
Расмий муносабат

Бугун ижтимоий тармоқларда Ўзбекистон туманида хазон уюмлари ва енгил чиқиндиларни курак анжомисиз махсус машинага юклаётган ходимнинг бир муддатлик иш жараёни акс этган видеоматериал эълон қилинди.

Ушбу ҳолат юзасидан “Қўқон махсустрас сервис” МЧЖ ҳамда туман Ободонлаштириш бошқармаси қуйидагиларни маълум қилади.

Ўзбекистон туманида фаолият олиб боровчи “Қўқон махсустрас сервис” МЧЖ ва туман Ободонлаштириш бошқармасида ҳам ҳудудлардаги чиқиндиларни олиш, ташиш, масканларни ободонлаштириш бўйича ишчи-ходимлар барча зарурий махсус иш анжомлари билан таъминланган.

Видеоматериалда тасвирланган ҳолат бўйича ҳам махсус машинада курак анжоми бўлиб, ходим маълум муддат ўзига қулай усулда ишлаган. Яъни қўлқоп кийган ҳолатда хазон уюмлари ва енгил чиқиндиларнинг маълум қисмини машинага қўли билан юклаган. Айни жараёни тасвирга олиб ижтимоий тармоқларга тарқатган фуқаронинг эса “бир машина чиқиндини қўли билан юклади” деган иддаоси ҳақиқатга тўғри келмайди.

2022-11-17 20:53:56